

الحكم تقود إلى السعادة

الجزء السابع

«Хикматлар – саодатга етаклар»

Еттинчи китоб

Тузувчи ва таржимон:
Анвар Аҳмад

Тошкент:
2015 йил

ТАҚДИМ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ўзининг илоҳий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа маҳлуқотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳаким Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳаким Зотнинг энг ҳаким бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳакими, севикли Расулимиз Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи вассалламга айтган ҳикматлари ададида салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилган ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз қўли билан яратиб, унга Ўз хузуридан рух пуллаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа маҳлуқотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ рухнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳаким дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналиқ», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Иbn Мурдавайҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қиласи:

«Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирлиқдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳакимларнинг қўплари ҳикматга куйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-холатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳакимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Луқмон Ҳаким ҳам Довуд алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Луқмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

«Батаҳқиқ, Биз Луқмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким қуфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ганий ва мақтовга сазовор Зотдир» (Луқмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Луқмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳакимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насиҳат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб қўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиласиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик хаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўзлари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб

тафсир қилғанлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Фаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳаким деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермаҳсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиласидаги, жамиятдаги, ҳатто ўз назидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хulosасини тақдим қиласиди.

Бир ҳакимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳаким: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хulosаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татигулик умр бахш эта оловчи китоблар ичida энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айrim ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хulosаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳалқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа ҳалқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаған устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, www.arabic.uz сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида муентазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлирдан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз

интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан баҳраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиши учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аrimайдиган энг вафодор дўстдир, сұхбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-қувватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга маҳсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуг: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуидаги интернет саҳифаларидан олинганини айтади:

- 1) ثقہ نفسك
- 2) کلام من القلب
- 3) خذ الحکمة
- 4) بستان الحکماء
- 5) ثقافة حول العالم

- 6) الموسوعة بوك
- 7) ثقافة وعلوم
- 8) حكمة اليوم
- 9) عجائب وغرائب حول العالم
- 10) أقوال أعجبي
- 11) كنوز من الحكمة
- 12) ذكر الله
- 13) عذب الكلام
- 14) عالم الثقافة والمعرفة

Хикматларни таржима қилишда имкон қадар ўртача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчидаги таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиласиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида ҳусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Мухтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий баҳт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «Хикматлар – саодатга етаклар» "الحكم - تقود إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришлиарида Ўзи мададкор бўлсин.

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم

أَحَبُّ حَبِيبَكَ هُوَنَا مَا
عَسَى أَنْ يَكُونَ بِغَيْضَكَ يَوْمًا مَا
وَأَبْغَضُ بِغَيْضَكَ هُوَنَا مَا
عَسَى أَنْ يَكُونَ حَبِيبَكَ يَوْمًا مَا

رواوه الترمذى

1334. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:
«Дўстингизни енгилроқ севинг, бир кун келиб душман
бўлиб қолиши ҳам мумкин. Душманингизга ҳам енгилроқ
адоват қилинг, бир кун келиб дўст бўлиб қолиши ҳам
мумкин».

И мом Термизий ривоят қилган.



1335. Одамларнинг наздида бечораҳол, баҳтсиздирсан,
лекин Аллоҳнинг мезонида мартабанг олий бўлиши мумкин.




1336. Мұхтарам мәҳмон!

Таомланиб бўлганингдан кейин овқатинг ортиб қолса, «Неъматнинг шукронаси учун ажратилган маҳсус идиш»ни сўрашдан тортинма. Ортиб қолган овқатни уйингга олиб кет ёки садақа қилиб бериб юбор. Бу – неъматга шукрона айтишингдир!

Аллоҳим, бизни шукр этувчи бандалардан қилгин!



1337. Ахлат идишига ташласанг ҳам олтин олтинлигича қолаверади.



1338. Энг улкан неъмат Аллоҳга интилишдир.



1339. Сўралмаса ҳам эътибор кўрсатиш энг яхши ишдир. Манфаат кўзланмаган дўстлик чин дўстликдир. Аллоҳ йўлида яхши кўриш эса ишларнинг энг буюгидир.



1340. Аллоҳ сени Ўз зикрига мушарраф айлаган бўлса, У Зот сени ҳақиқатда яхши кўрар экан.



1341. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсага Унинг Ўзига итоат қилиш орқалигина эришилади.



1342. «Астағфируллоҳал ъазийм аллазий лаа илааха илла
хувал ҳаййул қоййуму ва атубу илайхи».

Мана шу калималарни ҳар тонгда юз марта айтишни ўзига
вазифа қилиб олган инсон қандай баҳтли!

*Маъноси: «Буюк Аллоҳдан гуноҳларимни кечиришини
ўтиниб сўрайман. Ундан бошқа илоҳ йўқ, у Ҳайй ва Қойюм
сифатли Зотдир. Унга тавба қиласман».*




1343. Ё гўзал сўзла, ё гўзал сукут қил.



1344. Бир солиҳ кишидан: «Киши фитнага учраганини қачон билади?» деб сўрашди. У шундай деди: «Кечагина

харом деб билган нарсасини бугун ҳалол деб билса, аниқки, у фитнага дучор бўлибди».



1345. Тунги намозни адо этиш ҳақида ажойиб кўрсатма:
Соат тунги 12 дан бомдодгача бўлган вақт ичидан бир соатни танла. Унинг 15 дақиқаси намоз, 15 дақиқаси истиғфор, 15 дақиқаси Қуръон тиловати ва 15 дақиқаси дуо учун бўлсин.



1346. Қуръон – қалбларнинг табиби, унинг зикри – гуноҳларни маҳв қилувчи, Унинг нури эса ғайблар сиридир.



1347. Сабрнинг турлари:

Мусибатдаги сабрни иймон дейдилар.

Овқатдаги сабрни қаноат дейдилар.

Сирни пинҳона тутишдаги сабрни омонатдорлик дейдилар.

Садоқатдаги сабрни вафо дейдилар.



1348. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Мўминларнинг ўзаро дўстлиги, меҳр-муруввати бир бутун танага ўхшайди. Унинг бир аъзоси оғриса, бошқалари ҳам бедор бўлиб, иситмага мубтало бўлади».

И мом Бухорий ривоят қилган.

الوقت
بطئ .. عندما تنتظر
سرع .. عندما تخاف
طويل .. عندما تحزن
قصير .. عندما تفرج
لا ينتهي .. عندما تتالم
قاتل .. عندما تكون في حالة فراغ
يتوقف .. عندما تحب
الوقت لا تحدده عقارب الساعة
بل يتغير حسب نبضات قلبك وحالتك النفسية

1349. Вақт:

Кутганингда ниҳоятда секин ўтади.

Кўрққанингда ниҳоятда тез ўтади.

Махзунлигингда ғоятда узун бўлади.

Хурсандлигингда ғоятда қисқа бўлади.

Жонинг оғриганда бениҳоя бўлади.

Бекорчиликда сени ўлдиради.

Яхши кўрганингда тез тугаб қолади.

Вақт соат милларини тўхтатиб қола олмайди, балки юракнинг уришига, ҳолатингга қараб ўзгариб туради.



1350. Инсоннинг ақли уч хилдир:

1. Фикрлар хусусида сўзловчи буюк ақллар.
2. Воқеа ва ҳодисалардан гапиравчи ўртacha ақллар.
3. Одамлар хусусида вайсовчи калта ақллар.



1351. Аллоҳнинг зикри билан обод қалблар баҳтиёрдир.
Кечиримли ва бағрикенг нафслар баҳтиёрдир.
Ҳикматга тўла ақл ҳам баҳтиёрдир.



1352. Мұхташам қасрда йиғлаб яшаётган аёлдан кўра оддий кулбада шодон ҳаёт кечираётган аёл баҳтлидир.



1353. Ҳар бир мусулмон уч хил түғёнга кетишдан ҳазир бўлсин! Бу түғёнга олиб борувчи сўзлар «мен», «меники», «ўзимники» сўзлари дидир. Ушбу уч калима сабабли Иблис, Фиръавн ва Корунларга бало келган.

Иблис: «Мен ундан (инсондан) яхшиман. Мени оловдан яратгансан, уни эса лойдан яратгансан», деган (*Сод сураси, 76-оят*).

Фиръавн: «Эй қавмим! Миср мулки ва мана бу остимдан оқиб турган анхорлар меники эмасми?!» деган (*Зухруф сураси, 51-оят*).

Корун: «У менга ўзимдаги илм туфайлигина берилган», деган (*Қасас сураси, 78-оят*).



1354. Мана бу жумла мени лол қолдирди: «Хаёт мاشаққатдир, лекин намоз билан роҳатдир»

(«Мутъибатун» (машаққатли) сўзидан «бе» ҳарфи ўчириса, «мутъатун» (роҳатбахи) деган маъно келиб чиқади.)



1355. Фарзандларингизга намозни ўргатинг. Намоз уларга қолган ҳамма нарсани ўргатади.




1356. Дуо қилсанг ҳам мусибатларинг давом этаверса, билгинки, Аллоҳ дуоингни ижобат қилишни эмас, сўраганингдан афзалини беришни истамоқда.



1357. Роббим! Денгизларингни дуру маржон билан зийнатлаганингдек, қалбларимизни тақво, иймон, дўзахдан озод бўлиш илиа зийнатлаб, афв ва мағфират билан икром қил!



1358. Шұхрат қозониб, машхұр бўлишни хоҳласанг, сенга энг яхши йўлни кўрсатаман, агар уни бажарсанг, етти осмонда маълум ва машхұр бўласан. Нафл ибодатларда бардавом бўлсанг, Аллоҳ (азза ва жалла) сени яхши кўриб қолади. Аллоҳ сени яхши кўриб қолса, Жаброил алайҳиссаломни ҳам сени яхши кўришга чорлайди. Шунда Жаброил алайҳиссалом ҳам сени яхши кўриб, етти осмондаги фаришталарни сени яхши кўришга тарғиб қиласди. Сўнгра бу муҳаббат ер аҳлига ҳам нозил қилинади (ва ер юзидағи барча халойиқ сени яхши кўриб қолади).



1359. Умар ибн Абдулазиз дўстларидан бирига деди: «Йўлдан озиб, адашганимни кўрсанг, кийимимдан тортқилаб, «Эй Умар! Аллоҳдан қўрқ, бир кун барибир ўласан», дегин».

السعادة لا ترحل مع أحد
أخبروا الراحلين بذلك!!

1360. Бахт ҳеч кимга ҳамроҳ бўлмайди. Эй ўтиб кетганлар, бу ҳақда хабар берсанглар-чи!



1361. Ўзгаларга керагидан ортиқ ишониш гоҳида ҳалокатга олиб боради.



1362. Аллоҳга мұхаббат таъмини тотган қалбга гунох ва маъсият сифмай қолади.




1363. 1300 йил мобайнида уйғотувчи соат («будильник») бўлмаган, лекин бутун уммат бомдодга уйғонган. Уларни Аллоҳга бўлган итоатли қалблари уйғотган. Қалблар ўла бошлагач, намозхонлар ухлаб қоладиган бўлишиди. Оқибатда уйғотувчи соат ҳам, овоз кучайтиргичлар ҳам фойда бермай қолди.

Во дариф!



1364. Аллоҳим! Амалсиз илмдан, ноқис амалдан, ихлоссиз мукаммалликдан паноҳ бер!



1365. «Нима учун ғамгинсан?» деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан: «Истиғфоримиз камайиб кетяпти, Қуръондан узоклашиб кетяпмиз» деявер!



1366. Икки қуён ортидан қувган тулки икковини ҳам овлай олмайди.



1367. Аллоҳим! Ризқим осмонда бўлса, туширгин. Ерда бўлса, чиқаргин. Узоқда бўлса, яқин қил. Яқинда бўлса, осон қил. Оз бўлса, кўпайтиргин. Кўп бўлса, баракотли қилгин.



1368. Бахилларга ачинаман: камбағаллардек яшашади, лекин охиратда бойлардек ҳисоб-китоб қилинадилар.



1369. Танг вазиятга тушиб қолсанг, Аллоҳнинг раҳмати ҳамма нарсадан кенглигини эсла!



1370. Ким Аллоҳнинг муҳаббатига эришишни хоҳласа, У Зотни зикр қилиб юришга одатлансин.



1371. Бузук қалблар эгри михга ўхшайди. Ҳар қанча болға урсанг ҳам, тўғри бўлмайди.

عجباً لمن ابْتَلَنِي بِخُوفٍ كَيْفَ يَغْفِلُ عَنْ قَوْلِهِ
(حسبنا الله ونعم الوكيل)

عجباً لمن ابْتَلَنِي بِالضُّرِّ كَيْفَ يَغْفِلُ عَنْ قَوْلِهِ
(رب اني وسني الضر وانت ارحم الراحمين)

عجباً لمن ابْتَلَنِي بِالْغَمِّ كَيْفَ يَغْفِلُ عَنْ قَوْلِهِ
(لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سَبَّحْتَنِي أَنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ)

1372. Хавф-хатарда қолган киши қандай қилиб Аллоҳ таолонинг «**Бизга Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У қандай яхши вакил!**» деган сўзидан бехабар қолади? (*Оли Имрон сураси, 173-оят*)

Зарар етган киши қандай қилиб Аллоҳ таолонинг «**Роббим! Менга зарар етди. Сенинг Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлисисан!**» деган сўзидан бехабар қолади? (*Анбиё сураси, 83-оят*)

Ғам-ғуссага ботган киши қандай қилиб Аллоҳ таолонинг «**Ўзингдан ўзга илоҳ йўқ. Сен Поксан. Мен эса золимлардан бўлдим**» деган сўзидан бехабар қолади? (*Анбиё сураси, 87-оят*)

قال الحسن البصري - حمه الله - :
الغيبة ثلاثة أوجه ، كلها في كتاب الله تعالى :
الغيبة ، والاذكاء ، والبهتان ،
فاما الغيبة : فهو أن تقول في أخيك ما هو فيه ،
واما الاذكاء : فإن تقول فيه ما بلغك عنه ،
واما البهتان : فإن تقول فيه ما ليس فيه ،

تفسير القرطبي (١٦ / ٣٣٥)

1373. Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ айтадилар: «Уч хил ғийбат бор. Уччови ҳам Аллоҳнинг Китобида келган: ғийбат, ифқ, бўхтон.

Ғийбат – биродарингдаги бор нарсани айтишинг;

Ифқ – сенга етиб келган хабарни уйдирма тўқиб тарқатишинг;

Бўхтон – биродарингда йўқ нарсани айтишинг».

Қуртубийнинг «Тафсир»идан.



Гуноҳ қилаётиб кулишинг Аллоҳнинг наздида гуноҳдан ҳам оғирдир.

Бир гуноҳга (қила олмаганинг учун) хафа бўлишинг Аллоҳнинг наздида гуноҳдан ҳам оғирдир.


Маъсиятни ўтказиб юборганинг учун маҳзун бўлишинг тарозида маъсиятнинг ўзидан ҳам оғирдир.

Гуноҳ қила туриб, уни яширишга уринишинг Аллоҳнинг наздида минглаб гуноҳдан ҳам оғирдир.

Одамлардан қўрқиб, одамлардан хаё қиласан-у, одамларнинг Роббидан хаё қилмайсанми?



1375. Қалб қотиб қолганининг белгиси шуки, сени мусиқа йиғлатади, аммо Қуръон йиғлатмайди!



1376. Ўзлигингни билишнинг энг афзал йўли: сен ҳеч кимдан афзал эмассан, ҳеч кимга ўхшамайсан, ҳеч кимдан кам жойинг ҳам йўқ!



1377. Зикр қилсанг, сени зикр қиладиган, шукр қилсанг, күпайтириб берадиган, таваккул қилсанг, сени таъминлайдиган Зот – Аллоҳ покдир.



1378. Эй қалбларни ўзгартирувчи Зот! Қалбимни динингда мустаҳкам қил!

Аллоҳим! Ўлимимдан олдин менга насух тавба насиб қил!
Аллоҳим! Сендан гўзал хотима сўрайман!

(Изоҳ: «Насуҳ» лугатда «холис», «жазм», «содиқ», «насиҳат» деган маъноларни англатади. Истилоҳда холис қилинган тавба, содиқ тавба насуҳ тавба деб аталади. Ҳазрати Умар насуҳ тавбани «Кишининг ёмон ишдан қайтиб, сўнг уни агадий тақрорламаслигидир», деб таърифлаганлар).



1379. Бирорларнинг олқишиларини баҳт-саодат деб ўйласанг, билиб қўйки, улар ўз фикрларини ҳар куни ўзгартириб туришади.



1380. Зикр сени бошқа ҳеч нарса күтара олмайдиган юксак мартабаларга күтаради. Зеро, Аллоҳ таоло: «**Албатта, намоз фаҳш ва мункар ишлардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри буюк ишдир**», деган (*Анкабут сураси, 45-оят*).



1381. Киш, куз ёки ёз бўлишига қарамай, қалбинг ҳар доим баҳор каби яшнаб турсин. Қалбларга баҳор ифорини олиб киравчи Қуръон тиловатида бардавом бўл!



1382. Мана бу одамлар қор устида намоз ўқишимокда. Ичимиздан баъзилар эса совуқ сувда таҳорат қилаётганидан нолийди...



1383. Аллоҳим! Сендан шикастланмайдиган кунни сўраймиз. Ҳаром аралашмаган ризқ бер, риёсиз амал бер, жаннат ва унга яқин қилувчи сўз ва амал насиб қил!



1384. Тирикмисан ёки ўликми?

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Роббини зикр қиласиган киши билан зикр қилмайдиган кишининг фарқи худди тирик билан ўлик кабидир», деганлар».

И мом Бухорий ривоят қилган.

«Огоҳ бўлингизким, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олур» (*Раъд сураси, 28-оят*).



1385. Ноумид бўлма, мўъжизалар сўнгги лаҳзаларда содир бўлади.



1386. Ўлим талвасасидаги инсон қалбидаги бор нарсани гапиради. Қалбингни яхшилаб текширгин-да, сўнг: «Аллоҳим, қалбимни Ўзингга бўлган ишонч ва иймон билан тўлдир!» деб дуо қил.



1387. Энг даҳшатли йўқотиш кенглиги осмонлару ерча бўлган жаннатда сен учун жой топилмаслигидир.

Аллоҳим! Бизларни зиён кўрувчилардан қилма!



1388. Сохта дўст юртма-юрт кўчиб юрувчи қушга ўхшайди, об-ҳаво ёмонлашди дегунча жўнаб қолади.



1389. Австралия. Идишга бириктирилган ёрликқа «Оқар дарё бўйида бўлсанг ҳам сувни исроф қилма». Пайғамбар Муҳаммаднинг ҳадисидан» деб ёзилган.



1390. Муваффакият қозониш учун режа тузмаганинг қулашинг учун энг зўр режадир.



1391. Сукут – унутиш аломати әмас. Жим турган Ернинг қаърида ҳам бир кун келиб отилажак вулқон бор!



1392. Эҳтимол, ота-онанг барча хоҳиш-истакларингни рўёбга чиқара олишмагандир. Лекин унутмагинки, улар ўзлари эга бўлган барча нарсани сенга тортиқ қилишган!



1393. Келажагинг ҳакида ҳозирдан ҳукм ўқима!
Ахир бутун умматга йўлбошчи бўлган пайғамбар алайҳиссаломлар ҳам дастлаб подачилик бўлишган!




1394. Зиёли, маърифатли биродарим!
Ҳар қанча илмга, ақл-идрокка, кучли хотирага, билимга, бир дунё хабар ва маълумотга эга бўлмагин, агар шаҳодатноманг яхши ахлоқдан хабар бермаса, қўлга киритган илму маърифатинг эшигинг остонасидан нарига ўтмайди.

(Аллоҳ кўрсатмасин, тақдирга ҳам битмасин, Қиёмат куни) ўша илминг фойдангга эмас, заарингга ҳужжат бўлади.



1395. Ким биродарини бирор ножӯя ишда айбласа, ўзи ҳам ўша ишни қилмагунича ўлмайди.



1396. Буюк Раҳмоннинг зикри ҳаётнинг атри, ризқнинг калити, баҳт-саодат туйғуси ва вақтнинг баракотидир.



1397. Ёмон тақдир йўқ, балки Аллоҳнинг ғазабини келтирувчи гуноҳ бор! У нақадар ёмон ҳолат!



1398. Иймон аҳллари дунё ва охиратда саодатмандлардир. Уларнинг дунёдаги саодати шуки, улар ер юзида кенг имкониятларга эгадирлар. Охиратдаги саодати шуки, улар жаннатга дохил бўладилар.



1399. Аллоҳ Үз ҳимоясига олган күз ёшлар:
Энг қимматбаҳо күз ёши онанинг йиғисидир.
Энг чин күз ёши мазлумнинг йиғисидир.
Энг мусаффо күз ёши ёш боланинг йиғисидир.
Энг покиза күз ёши тавба қилувчининг йиғисидир.



1400. Юмшоқ, раҳмдил қалблар доим мазлумдир, чунки улар доим эшикни биринчи бўлиб очишга шошилиб, зарбага учрайдилар.



لو كانت الأشياء المادية أهم من
المعنوية ، لما دفن الجسد في
الأرض ، والروح صعدت إلى
السماء.

مصطفى محمود

1401. Моддий нарсалар маънавий нарсалардан мухим бўлганида, жасад ерга кўмилиб, рух осмонга кўтарилимаган бўлур эди.

Mустафо Маҳмуд



1402. Бир киши Холид ибн Валидни сўкди. Шунда Холид розияллоҳу анҳу унга қараб, «Бу сенинг саҳифанг, уни хоҳлаган нарсанг билан тўлдиравер», деди.

الوالدين

مثل العينين



أحدهما اليمنى والآخرى اليسرى
إذا فقدت أحدهما ينقص نظر
و اذا فقدت الاثنين أصبحت أعمى
فحافظ علىهما كما تحافظ على عينيك
”وقل رب ارحمهما كما ربياني صغيرا“


اللهم آمين

1403. Ота-она худди икки кўз кабидир: бири ўнг, иккинчиси чап. Агар уларнинг биридан жудо бўлсанг, кўришинг хиралашади. Иккисини ҳам йўқотсанг, кўр бўлиб қоласан. Уларни икки кўзингни сақлаганингдек авайла!

«Роббим, алар мени кичикликда тарбия қилганларидек, уларга раҳм қилгин», деб айт» (*Исрораси, 24-оят*).



1404. Роббим! Ҳидоят қаерда бўлса, мени унга йўллаб қўй. Ризолигинг қаерда бўлса, мени унга ҳамроҳ қил. Саодат қаерда бўлса, қалбимни ундан баҳраманд айла.



1405. Сенга кулиб қараганларнинг ҳаммаси ҳам сени яхши кўравермайди. Баъзи одамларнинг адовати табассумга яширинган бўлади...



1406. Баъзилар ҳаётингга ширин неъмат бўлиб, баъзилар эса аччиқ сабоқ бўлиб кириб келади. Аввалгиси мунча ҳам оз бўлмаса! Иккинчиси мунча ҳам кўп бўлмаса!



1407. Бахт-саодатнинг шундай овози борки, агар у қалбингдан чиқса, ҳар тарафда – болакайнинг кулгисида ҳам, дўстингнинг шивирлашида ҳам, ҳатто сувнинг жилдирашида ҳам уни эшитаверасан.




1408. Кеча қила олмаган ишингга бугун яна бир фурсат келди.

**«Аллоҳга барчангиз тавба қилинг, эй мўминлар!
Шоядки, нажот топсаларингиз» (Нур сураси, 31-оят).**



1409. Хонангда кичкина бир қути бўлсин. Ҳар гал бирор гуноҳ қилсанг, оз бўлса ҳам унга пул ташлаб қўй. Ана шу қутидаги пуллар сенинг номингдан садақа бўлсин. Қути тўлиши билан уни садақа қилиб юбор.



1410. Ҳасан Басрийдан: «Роҳатни қаердан топамиз?» деб сўрашди. У зот: «Ғафлатдан кейинги саждадан ва гуноҳдан кейинги тавбадан», дедилар.



1411. Бир пайтлар Умар ибн Хаттоб розияллоху анху Расулуллох соллаллоху алайхи васалламни ўлдириш учун йўлга тушган эдилар... Ҳозир эса у зотнинг ёnlарида дафн қилинган ҳолда ётибдилар.

Сен ҳам одамлар ҳақида яхши гумонда бўлавер. Ҳамма ўзгаради. Эҳтимол, (сен ёқтирмаётган) ўша киши энг яхши томонга ўзгариб қолар.

قال حكيم :

من أعطى أربع لم يمنع أربع :

من أعطى الشكر لم يمنع المزيد

ومن أعطى التوبة لم يمنع القبول

ومن أعطى الاستخاراة لم يمنع الخير

ومن أعطى المشورة لم يمنع الصواب

1412. Тўрт ишни қилган одам тўрт нарсадан тўсилмайди:

1. Шукр қилган зиёдаликдан тўсилмайди.
2. Тавба қилган қабулдан тўсилмайди.
3. Истихора қилган яхшиликдан тўсилмайди.
4. Маслаҳат қилган тўғри йўлдан тўсилмайди.




1413. Ким Роббининг қазои қадарига рози бўлса, Аллоҳ уни чиройли тақдир билан рози қилади.



1414. Хотин – фақат фарзандларнинг онаси эмас, меҳмон ҳам эмас, «яна битта нонхўр» ҳам эмас! Қуръон уларни нақадар юксак даражага кўтартганини бир ўйлаб кўр:

«Аллоҳ сизлар учун ўзларингиздан жуфтлар яратди»
(Наҳл сураси, 72-оят).

Эътибор беринг, «ўзларингиздан» дейилмоқда!



1415. Қадимда: «Икки хислатга эга бўлган кишини шогирдлар яхши кўради», дейишар экан: шогирдлар яхши англасин деб бор куч-қувватини сарфлаган ҳамда улар билан очик ва мулойим муомалада бўлган кишини.



1416. Кеча – сабоқ олиш учун, эрта – мушоҳада юритиш учун, бугун – яшаш учундир.

لَا بَدْ لِلْسَّالِكِ مِنْ تَقْصِيرٍ وَغَفْلَةٍ فَيُسْتَغْفِرُ
إِلَهٌ وَيَتُوبُ إِلَيْهِ فَإِنَّ الْعَبْدَ لَوْ اجْتَهَدَ مِمَّا
اجْتَهَدَ لَا يُسْتَطِعُ أَنْ يَقُولَ لِلَّهِ بِالْحَقِّ الَّذِي
أَوْجَبَهُ عَلَيْهِ فَمَا يَسْعُهُ إِلَّا الإِسْتَغْفَارُ وَالتَّوْبَةُ
عَقِيبَ كُلِّ طَاعَةٍ.

1417. Солик камчиликка йўл қўйгани, ғафлатда қолгани учун Аллоҳга истиғфор айтиб, тавба қиласи. Банда ҳар қанча ҳаракат қилмасин, Аллоҳ унга юклаган нарсаларни қойилмақом қилиб адо эта олмайди. Шундай экан, ҳар бир қилган тоатинг ортидан истиғфор ва тавба лозим бўлади.

Изоҳ: Солик – масаввуф истилоҳида тариқатни ихтиёр тутиб, уни ўзлаштиришига киришган, лекин ҳали бирор мақом ёки мартабага эришимаган мурид. Яна ҳам аниқроғи, шайхидан кунлик вирд ва зикр айтишини ўрганиб, одат қилиб олган кишиидир.



1418. Луқмони ҳаким дедилар: «Болагинам! Дунёингни охиратингга сот, ҳамма нарсани қўлга киритасан. Охиратингни дунёингга сотма, ҳамма нарсани қўлдан бой берасан.



1419. Тавба қилувчилар билан бирга ўтириング, чунки улар энг қалби юмшоқ ва мулойим кишилардир.




1420. Бу мақтov ёрлиғи эмас, ўлим хақидаги маълумотномадир.



1421. Аллоҳим! Кунимнинг аввалини салоҳият, ўртасини нажот ва охирини муваффақият қилгин! Сендан кунимнинг аввали қўрқинчда, ўртаси ғам-ғуссада, охири азоб-уқубатда ўтишидан паноҳ тилайман!



1422. Аллоҳим! Тилимизни зикринг ила нам қил, қалбимизни шукринг ила хуррам қил, жисмимизни тоатинг ила соғлом ва бардам қил!




1423. Иброҳим алайҳиссалом ўғлига қурбон бўлишини буюрган эди, итоат қилиб, бўйин эгди.

Нух алайҳиссалом ўғлига тирик қолишни буюрган эди, бош тортиб, бўйин товлади.

Ана итоатнинг самараси, ана итоатсизликнинг оқибати!



1424. Ҳаммага ҳамма нарсани бериб, ҳеч кимдан ҳеч нарса тамаъ қиласлиқ ахлоқнинг чўққисидир.



1425. Одамлар уларни деб қилган ишингни эслашмайди, лекин қила олмаган ишингни унутишмайди.




1426. Дунёингни ва ундаги гуноҳларингни енгиллат, чунки ўлимни кўтариш оғирдир.

Аллоҳим! Руҳларимизни Ўзинг рози бўлган ҳолда қабз қил!

Қабрларимизни жаннат боғларидан қил!

Бизларни солиҳ бандаларинг билан жамла!

Хисоб-китоб ҳамда азобга дучор қилмаган ҳолда Олий Фирдавсингдан бизларга жой бер.



1427. «Бир кишиларки, уларни тижорат ҳам, олдисотди ҳам Аллоҳнинг зикридан (намозни тўқис адо этишдан ва закот беришдан) машғул қила олмас» (*Нур сураси, 37-оят*).



1428. Ҳар бир муваффақиятнинг мاشақкатли тарихи бор. Ҳар бир мешақкатнинг баҳтли ниҳояси бор. Машақкатга тайёр тургин-да, муваффақиятга ҳозирлик кўравер!



1429. Уч хил одамга ҳайронман:

Бири мол-дунё ортидан чопади, мол-дунё эса ундан қочаверади.

Бири ризқини ўйлаб, ташвишланади, ҳолбуки Аллоҳ унинг ризқини кенг қилиб қўйган.

Бири қасрлар қуради, лекин маскани қабр бўлади.

Эй қалбларни ўзгартирувчи! Қалбимни динингда мустаҳкам қил!



1430. Намоз үқимай қўйган бўлсанг, ҳаётингдан роҳат ва барака узоклашибди.



1431. Ҳар бир инсонга тушида Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни кўришни, сажда қилган ҳолда гўзал хотима билан ўлишни тилайман. Аллоҳ барчамизни Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳавзи кавсарларида жам қилсин!



1432. Қарзни тұлаётган пайтдаги дуо:
 «Барокаллоҳу лака фий аҳлика ва маалика» (Аллоҳ
 ўзингга ҳам, аҳлингга ҳам, молингга ҳам баракот берсин).
 Қарзнинг мукофоти – олган қарзини чиройли адо этиш ва
 молнинг эгасига миннатдорчилик билдиришдир.



1433. Тонг саҳарда уйғонувчилар иззат ва ифтихор соҳиблариidir, уйқуни тарк этган, ундан узоклашиб, шайтонга бўйин эгмаган, уни хорлаганлардир. Ана ўшалар ҳақиқий мўминлар, чинакам нажот топганлардир.

Аллоҳим! Бизларни ҳам шулардан қил!



1434. Шахсий ҳолатингга ўзинг хўжайинсан, лекин сўзлаганда одобга риоя қилиш қолганларнинг ҳаққидир. Ўз муаммоларингни, ўз ҳолатингни бошқалар билан бўладиган муомалага аралаштириб юборма!



1435. Аллоҳим! Энг кучли мұхаббатим Сенинг мұхаббатинг бўлсин.

Энг кучли қўрқувим Сендан қўрқишим бўлсин!



1436.

- Қуръоннинг тўртдан бирига тенг келадиган сура қайси?
- Кафирун сураси.
- Қуръоннинг учдан бирига тенг келадиган сура қайси?
- Ихлос сураси.
- Қуръони каримдаги энг буюк сура қайси?
- Фотиха сураси.
- Фош қилувчи сура қайси?
- Тавба сураси.
- Қуръоннинг тенг ярмида жойлашган сура қайси?
- Каҳф сураси.
- «Бану Исроил» деган сура қайси?
- Исро сураси.
- «Қитол», яъни «Кураш» деб номланувчи сура қайси?
- Мұхаммад сураси.
- «Қуръоннинг келинчаги» деб номланган сура қайси?
- Ар-Роҳман сураси.
- «Қуръоннинг қалби» деб номланган сура қайси?
- Ёсин сураси.



1437. Яхши гумон қилсанг ишларинг ижобий ҳал бўлишини кўрасан.



1438. Қадимги афсоналарда: «Ортингдаги хоин тулкидан кўра олдингдаги ваҳший шер афзал», дейилган.



1439. Баъзиларнинг асли қалбининг тўрига кўмилган бўлади. Аслини билмаган кишингни яхши гумон билан ҳурмат қиласавер!

ما فائدة جمال الخلق ، إنْ كُنْتَ عَدِيمَ الْخُلُقْ

1440. Ахлоқсиз жуссанинг чиройидан не фойда!



1441. Яхши кўрган кишимиз сабабли ўзимиз яхши кўрмайдиган нарсаларга ҳам сабр қиласиз.



1442. Луқмони ҳаким дедилар: «Дунё тубсиз денгиздир, унда кўплаб одамлар ғарқ бўлган. Сен ўзингга тақводан кема ясаб ол!»

بدأ موسم الغبار فلا تغبون الجو وتأفون من الغبار وأعلموا
أنه نعمة من الله وحكمة بالغة ..

ذكر ابن خلدون :
 "أن الأرض بعد تقلب الفصول من فصل الشتاء
 إلى فصل الصيف، تبدأ بلفظ أمراض وحشرات لو تركت
 لأهلـكـ العـالـمـ فـيـرـسـلـ اللـهـ الـغـارـ لـقـتـلـهاـ"

الحمد لله حمداً كثيراً
 سبحانك ربِّي ما أطْفَلْكَ ..

1443. Чангли-губорли фаслда об-ҳавони сўкманг. Чанг-губор қалбимизга ёқмайди, лекин аслида у ҳам Аллоҳнинг неъмати, естук ҳикмати эканини билмаймиз.

Ибн Халдуннинг айтишича, фасллар ўзгарганда, яъни совуқ фасл ўрнини иссик фасл эгаллаётганида турли касаллик ва ҳашаротлар юзага чиқади. Агар у шу ҳолича турса, бутун дунё барбод бўлади. Аллоҳ таоло ана шу заарли нарсаларни ўлдириш учун чанг-губор юборади.

من السنن المهجورة

صلاة التوبة

عن أبي بكر رضي الله عنه قال سمعت رسول الله صلى الله عليه وسلم يقول (ما من رجل يذنب ذنبًا ثم يقوم فيتظاهر ثم يصلى (وقد فصل ركعتين) ثم يستغفر الله إلا غفر له)
ثم قرأ هذه الآية
(والذين إذا فعلوا فاحشة أو ظلموا أنفسهم ذكروا الله فاستغفروا لذنبهم ومن يغفر الذنب إلا الله ..)

1444. Эътиборсиз қолаётган суннатлардан бири тавба намозидир.

Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким бирор гуноҳ содир қилсаю, кейин туриб, покланиб, (икки ракъат нафл) намоз ўқиса ва гуноҳларини ўтиб юборишини сўраб, Аллоҳга истиффор айтса, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечириб юборади», деганларини эшитдим» деб, қуидаги оятни ўқидилар: «**Улар фахш иш ёки ўзларига зулм қилганларида Аллоҳни эслаб, гуноҳларини мағфират қилишини сўрарлар.** – Гуноҳларни Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиласди? – Ва билиб туриб, қилган ишларида бардавом бўлмаслар» (*Оли Имрон сураси, 135-оят*).

Имом Термизий ривоят қилган.

(Изоҳ: Демак, билмасдан ёки заифликдан гуноҳ қилиб қўйган киши дарров тавба қилса ва бу гуноҳни қилишидан тўхтаса, шундагина тавбаси қабул бўлар экан. Баъзи нафси бузук одамлар ўйлаганидек, тил учida «Тавба қилдим» деб қўйиб, қайта-қайта гуноҳ қилаверадиганлар бу ҳукмга кирмайдилар).



1445. Бир иш қилаётганингда қалбинг «Бу ҳалол!» ёки «Бу ҳаром!» деб турган бўлса, демак, ҳали тирик экансан!



1446. Ҳужурот сурасида одамлар билан муомала қилиш хусусида тўққиз насиҳат келган:

1. «Агар бир фосик бирор хабар келтирса, аниқлаб кўринглар» (6-оят).
2. «Мўминларнинг икки тоифаси урушиб кетса, ўрталарини ислоҳ қилинг» (9-оят).
3. «Адолат қилинг, албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни суюди» (9-оят).

4. «Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир» (11-оят).

5. «Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга лақаб қўйманг» (11-оят).

6. «Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир» (12-оят).

7. «Жосуслик қилманглар» (12-оят).

8. «Бир-бирингизни ғийбат қилманг» (12-оят).

Бу насиҳатларга қатъий амал қилиб, уларни ҳаётингизга татбиқ этинг!



1447. Истиқоматим, яъни тўғри йўлда мустаҳкамлигим тўғри йўл тутганим учун, деб ўйлама! Аллоҳ таоло башариятнинг саййиди бўлмиш Набий соллаллоҳу алайҳи васалламгаки **«Агар сизни (ҳақ йўлда) собитқадам қилмаганимизда»** деганидан кейин, сенга йўл бўлсин! (*Исрораси, 74-оят*).

Амалинг ва ибодатларинг билан ғуурланма! Доим **«Аллоҳумма, йаа мусаббитал қулууб, саббит қолбий ъалаа тоъатик»**ни айтиб юр.

Дуонинг маъноси: «Эй қалбларни собитқадам қилувчи Зот! Қалбимни тоатингда собитқадам қил».



1448. Молик ибн Динор раҳимаҳуллоҳ дедилар: «Аллоҳга тоат-ибодатингни тижоратга айлантири. Шунда мол-мулкинг бўлмаса ҳам фойда оқиб келаверади».



1449. Ҳисоб-китоб куни бўлмиш қиёматдаги энг даҳшатли ҳолат:

Ота-онангни, фарзандларингни ҳар қанча қаттиқ яхши кўрсанг ҳам, уларга ҳасанотларингдан улаша олмайсан. Аксинча, ёқтиргмаган кишингни ғийбат қилганинг сабабли ҳасанотларингни унга тортиқ қилишга мажбур бўласан.

Бу ҳақда ўйлаб кўрайлик!



1450. Энг асосий ва бирламчи нарса намоз бўлмас экан, энг фожиали ҳаёт мана шудир.



1451. Ким Аллоҳдан қўрқса, унга ҳеч ким заарар етказа олмайди. Ким Аллоҳни қўйиб, бошқадан қўрқса, унга ҳеч ким ёрдам бера олмайди.


Фузайл ибн Иёз



1452. Гуноҳлардан четлан. Гуноҳлар – ғам-аламнинг кони, фалокатларнинг сабаби ҳамда мусибат ва тангликтининг эшигидир.



1453. Илохим! Сенга жуда муҳтожман, мени ёлғиз қолдирма!



1454. Ризқинг мүл бўлишини хоҳлайсанми?
 «Аҳлингни намозга амр қил ва ўзинг унга сабр қил.
 Биз сендан ризқ сўрамасмиз. Биз сенга ризқ берурмиз.
 Оқибат тақвоникидир» (*Toҳа сураси, 132-оят*).



1455. Ўлим ортидан ўлим, жаноза ортидан жаноза...
 Нихояси йўқ ҳақиқат!

Илоҳим! Хотимамни гўзал айла, гуноҳимни мағфират қил, яхши амалларимни тарозида оғир қил, сўроқ-савол пайтида событқадам қил, ҳаққимга малол олмай дуо қилувчиларни кўпайтир, ушбу дуоларимга «Омин» деганларга ҳам шу айтганларимни насиб қил!



1456. Яхши, олийжаноб кишилар худди ёмғир кабидир. Қаерда ёғса, улар эккан яхшилик уруғлари эртами-кеч албатта униб чиқади.

أهرب حيث شئت
"إِنَّ إِلَيْ رَبِّكَ الرُّجْعَى"
واعمل ما شئت فهناك كتاب -
"لَا يَغادرُ صَغِيرَةً وَلَا كَبِيرَةً إِلَّا أَحْصَاهَا"
اليوم -
يُقبلُ مِنْكَ "مِثْقَالَ ذَرَّةٍ"
وَغَدَأَ لَنْ يُقبلُ مِنْكَ -
"مَلَءَ الْأَرْضَ ذَهْبًا"
فَاتَّقُوا اللَّهَ وَتَأْمُلُوهَا بُعْدًا

1457. Хоҳлаган томонингга қоч! «Албатта, қайтиб бориш Роббингадир» (*Алақ сураси, 8-оят*).

Хоҳлаганингни қилавер! Лекин шундай бир китоб борки, у «Кичикни ҳам, катта(гуноҳ)ни қўймай, барчасини ҳисоблаб-битиб қўяди» (*Каҳф сураси, 49-оят*).

Бугун заррача яхшилик қилсанг ҳам қабул бўлаверади, лекин эртага (қиёматда) еру кўк тўла олтин олиб келсанг ҳам яхшилигинг қабул қилинмайди.

Аллоҳга тақво қилинг ва бу ҳақда фикр юритинг!



1458. Аллоҳнинг муҳаббати белгилари:
Сенга чиройли тадбир қилиши;
Тоат-ибодат қилишинг ва гуноҳ-маъсиятдан четланишинг;
Амалларингнинг қабул қилиши ва одамларнинг сени яхши кўриши;
Юмшоқ, мулойим табиатинг;
Гўзал хотима;
Ўлим олдидан яхши гумон қилишинг;
Бало-офатга дучор бўлишинг;
Серғайратлигинг;
Ёлғизликни севишишинг;
Сабр-бардошинг.



1459. Қадимда «Қилич бир марта, мулойимлик эса юз марта ўлдиради», дейишган.



1460. Дикқат: ҳовли сотилади!
Дарвозалари саккизта.
Калити «Лаа илааха иллаллох».

Олтин ва кумуш ғиштдан қурилган.
Майдони ер ва осмон оралигича.
Нархи Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қиласлик.
Харид санаси: қиёмат куни.
Хусусий эгаси: тақводорлар.
Манзили: Фирдавс.
Номи: жаннат.
Аллоҳ барчамизни ана шу макон ахлидан қилсин!



1461. Бирога әргашиш айб әмас, әргашиш учун нотүғри йүлдаги кишини танлаши айбдир.



1462. Фейсбук оламида сурат ва исмлар кўринмайди, лекин тарбия яққол намоён бўлади.



1463. Абдуллоҳ ибн Муқаффаъ айтади: «Ота фарзандга мерос қолдирадиган энг яхши нарса – яхши мақтов, манфаатли одоб ва салоҳиятли дўстлардир».



1464. Аллоҳим! Қалбларимиздаги иймонни янгила!



1465. Молик ибн Динор: «Эй Қуръон аҳли! Ёмғир ернинг баҳори бўлгани каби, Қуръон ҳам мўминнинг баҳоридир», дедилар.



1466. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳга энг суюкли калом тўрттадир: «Субҳаналлоҳ», «Алҳамдулилаҳ», «Лаа илааха иллаллоҳ», «Аллоҳу акбар». Қай биридан бошлишнинг фарқи йўқ», дедилар».

Имом Насаий ривояят қилган.



1467. Илоҳим! Гуноҳга пушаймон қилиш ҳам тавба бўлса, иззат-хурматинг ҳаққи, албатта, мен надомат чекувчиларданман.

Истиғфор хато-камчиликлар учун каффорат бўлса, мен Сенга истиғфор айтувчиларданман.

Гуноҳларимни мағфират қил, мени тавба қилувчилар қаторида қабул эт!

البياض لا يعني دائمًا الجمال
 والسوداد لا يعني دائمًا القبح

 فالكفاف أبيض ومذيبة
 والكعبه سوداء وجميلة ...

 والاسنان بأخلاقه لا بمعظمه
 فلو كانت الرجلة بشدة الصوت
 لكان الحمار رمزاً للرجلة

 ولو كانت الألوان بالعمرى
 وكانت القردة أكثر الكائنات أغواة

1468. Оқ ранг ҳар доим ҳам гўзалликни ифодаламайди. Зеро, кафан оқдир, аммо қўрқинчлидир. Қора ранг ҳар доим ҳам қабоҳатни англатмайди. Зеро, Каъба қорадир, лекин гўзалликда тенгсиздир.

Инсон ташки кўриниши билан эмас, ахлоқи билан гўзалдир. Агар ҳақиқий эркакликнинг белгиси баланд овозда бўлса, эркаклар учун эшак намуна бўлар эди. Агар аёллик назокати яланғочликда бўлса, дунёдаги энг гўзал ҳилқат маймун бўлар эди.



1469. Инсоннинг ҳолати унинг насибасига боғлиқ бўлмайди, гуноҳлар кўпайган сари мушкулотлар ортиб бораверади. Шундай экан, истиғфор ва тавбани кўпайтиринг!

Аллоҳим! Бизни мағфират қил, тавбаларимизни қабул эт. Албатта, Сен тавбани кўп қабул қилувчи ва раҳмлисан.



1470. Оқил киши қаноат туфайли хотиржам, фикру хаёли осуда, ўзидан рози ҳолда яшайди, чунки у ўзига тақдир қилинган нарсага эришишига шак-шубҳа қилмайди.



1471. Гўзал чехралар дунё тупроғига қоришиб, йўқ бўлиб кетади. Лекин гўзал амаллар жаннатда энг гўзал юзни чизиб, тасвирлаб беради.



من صفات أهل الفردوس

قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ ١ الَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ
 خَشِعُونَ ٢ وَالَّذِينَ هُمْ عَنِ الْلَّغْوِ مُعْرِضُونَ
 ٣ وَالَّذِينَ هُمْ لِزَكْوَةِ فَنَعْلَمُ ٤ وَالَّذِينَ
 هُمْ لِفُرُوجِهِمْ حَفَظُونَ ٥ إِلَّا عَلَى أَزْوَاجِهِمْ
 أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ
 ٦ فَمَنِ ابْتَغَ وَرَاءَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ
 الْعَادُونَ ٧ وَالَّذِينَ هُرُونَ لِأَمْنَتْهُمْ وَعَاهَدُوهُمْ
 رَعُونَ ٨ وَالَّذِينَ هُرُونَ عَلَى صَلَواتِهِمْ يُحَافَظُونَ
 ٩ أُولَئِكَ هُمُ الْوَرِثُونَ ١٠ الَّذِينَ
 ١١ يَرِثُونَ الْفَرْدَوْسَ هُمْ فِيهَا خَلِدُونَ


سورة المؤمنون

1472. Фирдавс жаннати аҳлининг васфи:
«Батаҳқиқ, мўминлар зафар топдилар.
Улар намозларида хушуъ қилувчилардир.
Улар беҳуда нарсалардан юз ўгирувчилардир.
Улар закотни адо қилувчилардир.
Улар фаржларини сакловчилардир.
Ўз жуфти ҳалоллари ва қўлларида мулк бўлганлар бундан мустасно. Албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар.
Ким ана шундан бошқани тиласа, бас, ана ўшалар тажовузкорлардир.
Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қилувчилардир.
Улар намозларини муҳофаза қилувчилардир.
Ана ўшалар ворис бўлувчилардир.

Улар Фирдавсни мерос олурлар, улар унда мангу қолувчилардир» (*Мўъминун сураси, 1-11-оятлар*).



1473. Фузайл ибн Иёз раҳимаҳуллоҳ: «Жаннат ушбу уммат учун безатиб қўйилганичалик бошқа ҳеч бир уммат учун безатиб кўйилмаган. Лекин унга ошиқларни кўрмаяпмиз», дедилар.



1474. Бугун Роббингга неча марта истиғфор айтдинг?


Набий соллаллоху алайхи васалламдек зот: «Аллоҳга қасамки, мен Аллоҳга бир кунда етмиш мартадан кўпроқ истиғфор айтаман», деганлар.

И мом Бухорий ривоят қилган.



1475. Чумолидан ибрат олинг!

У йўл қидириб юрмайди, балки ўзи учун зарур бўлган йўлни ўзи қуриб олади.



1476. Шаъбий айтдилар:

«Жаннат ахли дўзах аҳлидан: «Сизларни нима дўзахга кириди? Ахир биз сиз азизлардан олган таълим ва одоб сабабли жаннатга кирдик-ку», деб сўрашади. Шунда улар: «Ўзимиз яхшиликка буюриб, ўзимиз уни бажармас эдик», дейишади».



1477. Аллоҳим! Сендан ортидан қийинчилик келмайдиган осонлик, ортидан камбағаллик келмайдиган бойлик, ортидан хавф келмайдиган хотиржамлик, ортидан баҳтсизлик келмайдиган баҳт-саодат сўраймиз!



1478. Нафсга роҳат, қалбга хотиржамлик ато этувчи дуо:

«Аллохуммажъал нафсий нафсан тоййибатан, мутма`иннатан тоиъатан лак, ту`мину би лиқо`ика ва тарзо биқазо`ика ва тақнаъу биъато`ика ва лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа бик».

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Нафсимни покиза, хотиржам ва Ўзингга итоатли қилгин. Сен билан учрашишга ишончли, қазои қадарингга рози, берганларингга қаноатли қилгин. Сендан бошиқа куч ва қувват йўқ!»



1479. Яхшиликни инкор қилган одам худди кўзи қайта кўра бошлиши билан ҳассасини синдириб ташлаган кўрга ўхшайди.



1480. Эй мулки кенг Зот!
Қалби торларга Ўзинг раҳм айла!

إذا رأيت قلبك لا يذكر بالذكرى فاتهمه
لأن الله يقول:
{وذكر فإن الذكرى تنفع المؤمنين}

لأن الذكرى لابد أن تنفع المؤمنين



1481. Қалбинг эслатмага қулоқ солмай қўйса, унга танбеҳ бер (уни таъқиб қил). Аллоҳ таоло: «**Ва эслатгин. Албатта, эслатиш мўминларга манфаат берур**», деган (*Зарият сураси, 55-оят*).

Демак, эслатма мўминларга манфаат беришида шубҳа йўқ.




1482. Аллоҳга боғланган қалб сиқилиши мумкинми?
Аллоҳим! Қалбларимизни фақат Ўзингга боғла!




1483. Аҳмад ибн Ҳанбал бир ҳакимдан сўради: «Одамлардан омонда бўлишнинг йўли борми?» Ҳаким жавоб берди: «Уларга молингдан берасан, аммо уларнинг молларини олмайсан. Сенга озор беришса ҳам, уларга озор бермайсан. Уларнинг манфаати учун ҳожатларини раво

қиласан, аммо үз манфаатинг йўлида улардан беҳожат бўласан».

Имом Аҳмад: «Бу жуда қийин-ку?» деган эди, у: «Қанийди шусиз ҳам омонда қолсанг», деб жавоб берди.



1484. Муваффақият қозонувчилар фурсат келишини кутиб ўтирмайдилар. Балки ана шу фурсатни ўзлари қўлга киритиб қўя қоладилар.



1485. Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳаққини Ўзининг ҳаққидан олдинга қўйди. Бандаларнинг ҳаққини адо этиш Аллоҳнинг ҳаққини адо этишдир.




1486. Асада: «Тонг отса, кеч бўлишини кутма. Кеч кирса, тонг отишини кутма», дейилган. Бу «Бугунги кунинг билан яша. Ўтмишни эслайверма, келажак ҳақида қайгураверма», демакдир.



1487. Аллоҳим, бўйнимизни дўзахдан озод қил, тунда ҳам дўзахдан озод бўлувчилардан қил. Бизни азобга гирифтор бўлмайдиган, ҳисоб-китоб қилинмайдиган етмиш минг киши қаторида қилгин.

Роббим, бизга олий Фирдавсни қароргоҳ ва маскан қилгин.

Роббим, бизга Набийинг сўраган нарсанинг энг яхшиларини ато эт, Набийинг Мұхаммад алайхиссалом паноҳ тилаган нарсанинг энг ёмонидан паноҳ бер.



1488. Одамларнинг энг баҳтлиси бўлишни истасанг, кийиминг тоза ва хушбўй, кўринишинг ораста бўлсин, доим мисвок ва хушбўй олиб юр. Шумланиш, бузгунчилик, умидсизлик олиб келувчи ва сени умидсизликка етакловчи китобларни ўқима!



1489. Ака-укалар уч хил бўлади:

Баъзилари овқатга ўхшайди, уларга доим эҳтиёжинг тушиб турди.

Баъзилари дорига ўхшайди, уларга ахён-ахёнда эҳтиёжинг тушади.

Баъзилари дардга ўхшайди, уларга ҳеч қачон эҳтиёжинг тушмайди.

Аллоҳим, солиҳ ака-укалар ато қил!



1490. Исломдан кейинги энг улуғ неъмат – покиза ва маъсума хотин, солиҳ зурриёт ҳамда ҳалол мол-мулк.



1491. Гуноҳинг ҳар қанча юксалмасин, у ҳам бир нарсадир. Аллоҳнинг раҳмати эса ҳамма нарсадан кенгдир.



1492. Куръон муаллимасидан «Нима учун боғча болаларига таълим беришни танлагансиз?» деб сўрашди. У шундай деди: «Болалар умрининг охиригача Фотиха сурасини ўқишишганда мен ҳам улар каби ажр оламан».

«Албатта, амаллар ниятларга боғлиқдир».



1493. Эй Карим Роббим!
Аллохим! Жаннат меваларидан баҳраманд қил!



1494. Ким таҳажжуд намозида қоим бўлса, Аллоҳ унга қиёмат кунида туришни осон қилади.

Авзоъий



1495. Аллоҳим! Тунларимизни зокирлар туни қил. Қалбимизни хушуъ қилувчи қалблардан қил. Жисмимизни итоаткор жисмлардан қил. Амалларимизни тақводорларнинг амалларидан қил. Тилларимизни зокир тиллардан қил!



1496. Роббим! Сендан тақво, беҳожатлик, розилик, иффат сўрайман. Жаннатингни, муҳаббатингни, раҳматингни, ҳидоятингни, мағфиратингни, айбларимизни сатр қилиб, яширишингни ва афв этишингни сўрайман.



1497. Аллоҳим! Кунларимиз шодлик ва суурда, гуноҳларимиз мағфират қилинган ҳолда ўтишини насиб қил!



1498. Огоҳ бўлинг! Авратларни тўсиш намоз мукаммал бўлишининг шартларидан биридир!



1499. Қуръон ва жойнамозни бир-биридан ажратма. Ҳар гал намоз ўқиганингда ҳеч бўлмаса бир-икки оят ўқиб қўй. Шунда Қуръондан узоклашмаганлардан бўласан.

Бу сўзларни бошқаларга ҳам етказ, чунки эслатма мўминлар учун манфаатдир. Бу нарсаларни енгил санама. Эҳтимол, кимнингдир ҳаёти сен туфайли порлок бўлар.



1500. Намозсиз баҳт-саодат қидирган киши худди ўқишини билмай туриб, ёзувчиликни истаган киши кабидир.




1501. Оқилнинг тили қалбининг ортида, аҳмоқнинг қалби эса тилининг ортидадир.

Али ибн Абу Талиб



1502. Эй одамзот! Умрингни дунё ғамида йўқ қиляпсан, охират ғамини қачон ейсан?



1503. Микроскоп остида суратга туширилган пашша.

«Эй одамлар! Бир масал айтилмиш, бас, унга қулоқ солинг! Албатта, сизлар Аллоҳни қўйиб, топинаётган нарсаларингиз, агар барчалари бирлашсалар ҳам, битта пашша яратса олмаслар. Ва агар пашша улардан бирон нарсани тортиб олса, ундан ўшани қутқариб ололмаслар. Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинган ҳам ожиз бўлди» (*Ҳажс сураси, 73-оят*).

(Боишқа катта жонзотларни қўйисинлар-у, энг кичик, энг ҳақиқи, энг аҳамиятсиз кўринган пашшани яратишга уриниб кўрсинлар. Яратса олмаслар. Хўши, энди бир дона пашшани яратса олмаган бутга қандай қилиб топиниши, сизиниши,

айтганини (агар айттолса,) қилиши мумкин? Асло мумкин эмас. Умуман ақлга, мантиққа түзри келмайди.

Паша жуда заиф, ҳақыр жон. Аммо у баъзи бир касалликтарни келтириб чиқарса, ҳаммаси тўпланиб, ҳаракат қиласа ҳам, ўша касалликдан зарар қўраётганни ёки ўлаётганни қўтқариб қололмайдилар. Буни ҳамма ҳаётда кўрган.

«Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинган ҳам ожиз бўлди».

Яъни Аллоҳдан ўзганинг ибодатини талаб қилувчи ҳам, ибодати талаб қилинган нарсалар ҳам ожиздирлар. Бирон нарса қўлларидан келмас.)



1504. Молик ибн Динор айтади: «Яхшиларнинг қалби хайрли ишлар билан қайнайди, фожир ва гуноҳкорларнинг қалби қабих амаллар билан қайнайди. Аллоҳ эса ғамларингизга қарайди. Ғамингиз нима эканига эътибор беринг!»



1505. Луқмони ҳаким ўғлига деди: «Болажоним! Тавбани кечиктирма, чунки ўлим тўсатдан келади».



1506. Салафлардан бири деди: «Гуноҳ ва маъсиятнинг энг қаттиқ азоби –Аллоҳ ана шу маъсиятнинг қабоҳат эканини билишни қалбингдан суғуриб олмоғидир».

ستة أشياء إذا ذكرتها هانت عليك مصيبك:

١. أن تذكر أن كل شيء بقضاء وقدر.
٢. أن الجزع لا يرد عنك القضاء.
٣. أن ما أنت فيه أخف مما هو أكبر منه.
٤. أن ما يبقى لك أكثر مما أخذ منك.
٥. أن لكل قدر حكمة لو علمتها لرأيت المصيبة هي عين النعمة !
٦. أن كل مصيبة للمؤمن لا خلو من ثواب ومحشرة أو تحيض أو رفعة شأن أو دفع بلاء أشد.

”وما عند الله خير وأبقى“

1507. Олти нарсани эсласанг, мусибатинг енгиллашади:

1. Ҳамма нарса Аллоҳнинг қазо ва қадари билан бўлади.
2. Сабрсизлик қазои қадарни ортга қайтармайди.
3. Бундан ҳам оғир мусибатга учрашинг мумкин.
4. Йўқотганинг йўқотмаганингдан камроқ.
5. Ҳар бир қазои қадарда ҳикмат бор. Уни билганингда, мусибатни айни неъмат деб билардинг.
6. Мўминга етган мусибат албатта ё савоб, ё мағфират, ё покланиш, ё шаъни улуғ бўлиш, ё каттароқ балонинг даф этилиши бўлади.

Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ, боқий қолувчироқдир.



1508. Ҳаёtingни Аллоҳнинг зикри ва тоати билан бўяб, безагин.



1509. Аллоҳим! Нафсимга қарши курашиш учун қувват, заифлигимни енгиш учун шижоат, қазои-қадаримни (розилик билан) қабул этиш учун кучли ишонч, ақлим роҳат олиши учун розилик ва қалбим хотиржам бўлиши учун фахм-идрок ато эт!




1510. Муваффакият сени кибрға чорладими, демак бу ҳақиқий ютуқ әмас.

Муваффакиятсизлик сени күпроқ режа ва лойихалар тузишга ундаса, демак ҳақиқий омадсизликка учрамабсан.



1511. Дунёдаги ҳар бир нарсанинг нарх, қиймати бор. Лекин арzon нарса учун қиммат нарх тўлаб қўйма!



1512. Истиғфорнинг фойдалари:

1. «Роббингиздан мағфират сўранг. Албатта, У кўплаб мағфират қилувчиидир», дедим» (*Нуҳ сураси, 10-оят*)
2. «Шунда устингизга ёмғирни мўл-кўл қилиб юборади» (*Нуҳ сураси, 11-оят*).
3. «Ва сизга молу мулк ва бола-чақа ила мадад берур, сизларга боғу роғлар қилиб берур ҳамда анҳорлар қилиб берур» (*Нуҳ сураси, 12-оят*)
4. «Ва сизларга боғу роғлар қилиб берур, анҳорлар қилиб берур» (*Нуҳ сураси, 12-оят*).
5. «Ва қувватингизга қувват зиёда қиласди» (*Худ сураси, 52-оят*)
6. «У Зот сизларни белгиланган муддатгача гўзал равишда баҳраманд қилур» (*Худ сураси, 3-оят*)
7. «Ва ҳар бир фазл эгасига фазлини берур» (*Худ сураси, 3-оят*).
8. «Модомики истиғфор айтар эканлар, Аллоҳ уларни азобловчи эмас» (*Анфол сураси, 33-оят*).



1513. Яхши нарсадан махрум бўлиб қолсанг, «Унинг ўрнини тўлдириб бўлмайди», дейсан. Яхши нарсага дуч келиб қолганингда эса «Ўрнини тўлдириб бўлмайди» дейишни унутасан. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам «Аллоҳга ҳамд бўлсин», дейишни унутма!



1514. Абу Язид Бистомий ҳазратлари дедилар: «Роббим! Сендан кўрққанимда шу қадар шодонман, агар омонда бўлсам қанчалар шодланар эканман! Сени севишим ажабланарли

эмас, балки Сендек ҳамма нарсага қурби етувчи Подшохнинг мендек ночор бир қулни севиши ажабланарлидир».

У киши яна айтадилар: «Мени шундай амалга йўллаб қўйгинки, у сабабли Роббимга яқинлашай. Аллоҳ сени яхши кўриши учун Унинг дўстларига муҳаббат қўй! Чунки Аллоҳ Ўз дўстларининг қалблариға қарайди. Шояд Ўз дўстининг қалбидаги сенинг исмингга назари тушиб, сени мағфират қилиб юборса».

سُئلَ أَحَدُ الْمَشَايخِ عَنْ رَجُلٍ يَقُولُ
اللَّيْلَ وَ يَفْعُلُ الطَّاعَاتِ ؛ وَ لَكُنَّهُ
يَغْتَابُ كَثِيرًا !



فقا

"لَعْلَ اللَّهُ سُخْرَةٌ لِيَعْمَلَ لِغَيْرِهِ"

1515. Машойихларнинг бирига: «Бир киши тунда ибодат билан бедор бўлади, тоат-ибодатда бардавом бўлади, лекин кўп ғийбат қиласи», дейишиди. У: «Эҳтимол, Аллоҳ у кишини бошқалар учун амал қилишга чорлагандир», деди.

(«Бундай кимса бу дунёдага барча яхии амалларини қиёмат куни гийбат қилган кимсасига топширади», дейилмоқчи).

اللهم حصن بيتي من أوله لآخره
 ومن أعلىه لأسفله طریق‌اللہ
 اللهم أبعد عنه الحرام بأنواعه
 اللهم أجعلني فيه عزيزة وعليه أمينة
 وأجعل لنا فيه سعادة في دیننا ودنيانا



1516. Аллоҳим! Хонадонимни аввалидан охиригача, устидан остигача қўрғон қил.

Аллоҳим! Хонадонимдан ҳар қандай ҳаромни йироқ қил.

Аллоҳим! У ерни менга иззат ва омонлик макони қил, биз учун дин ва дунёимизда баҳт-саодат макони қил.

أول من سكن الحرم امرأة
 (أمّنا هاجر).
 وأول من أمن برسول الله
 امرأة (أمّنا خديجة).
 وأول دم سفك في سبيل
 الله لإمرأة (سمية بنت خياط)
 من آل ياسر.
 أن هناك سورة نزلت بالقرآن
 تُسمى "سورة النساء" وهي
 ثاني أطول سورة نزلت.
 أول من غزت البحر إمرأة (أم حرام
 بنت ملحان).
 كم أنت عظيمة أيتها الأم والابنة.

1517. Маккадаги Ҳарамда биринчи бўлиб истиқомат қилган аёл Ҳожар онамиз бўлганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга биринчи бўлиб иймон келтирган аёл Ҳадижа онамиз бўлганлар.

Аллоҳ йўлида биринчи бўлиб қон тўккан аёл Ёсирининг завжаси Сумайя бинт Хайёт бўлганлар.

Куръони Каримда бир сурा борки, у «Аёллар» деб номланган. У Куръондаги иккинчи узун сурадир.

Денгизда биринчи бўлиб ғазот қилган аёл Умму Ҳаром бинт Милҳон бўлганлар.

Эй оналар, қизлар, аёллар! Нақадар қадри улуғ зотларсиз!



1518. Орифларнинг қалбини зикр билан, дунё ахлининг қалбини тамагирлик билан, зоҳидларнинг қалбини таваккул билан, камбағалларнинг қалбини қаноат билан тўлдирган Зот Покдир!

Аллоҳим! Қалбларимизни зикринг, тоатинг ва тақво билан тўлдиргин.



1519. «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ» жумласи жаннатнинг хазиналаридандир. У тўқсон тўққиз дардга даво бўлиб, бу дардларнинг энг енгили ғамдир.



1520. «Илоҳим, азобланяпман» десам, «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг!» деб нидо қилдинг (*Zumar curasu, 53-оят*).

– «Қалбимга етган мاشаққатни ҳеч ким сезмаяпти» десам, **«Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини эгаллаб туур»** деб нидо қилдинг (*Анфол сураси, 24-оят*).

– «Хузуримда ҳеч ким қолмади» десам, **«Ва Биз унга жон томиридан ҳам яқинмиз»** дея нидо қилдинг (*Қоф сураси, 16-оят*).

– «Мени унутмагин» десам, **«Мени эслангиз, сизни эслайман»** деб нидо қилдинг (*Бақара сураси, 152-оят*).

– «Роббим, менга умид ато қил» десам, **«Албатта, бир қийинчилик билан бирга осончилик ҳам бордир»** деб нидо қилдинг (*Шарҳ сураси, 6-оят*).

– «Орзуларимни қандай рүёбга чиқараман?» десам, **«Менга дуо-илтижо қилинглар, мустажоб қилурман»** деб нидо қилдинг (*Ғоғир сураси, 60-оят*).

Роббим! Сени шу қадар севаман, Сен ҳам мени Ўзинг севган кишилардан қилгин!

اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ الْخَيْرِ

وَأَبْوَابَ السَّلَامِ

وَأَبْوَابَ الصَّحَّةِ

وَأَبْوَابَ النَّعْمَةِ

وَأَبْوَابَ الْبَرَكَةِ

وَأَبْوَابَ الْفُؤَادِ

وَأَبْوَابَ الْمَوْدَةِ

وَأَبْوَابَ الرَّحْمَةِ

وَأَبْوَابَ الرِّزْقِ

وَأَبْوَابَ الْعِلْمِ

وَأَبْوَابَ الْمَغْفِرَةِ

وَأَبْوَابَ الْجَنَّةِ

يَا أَرْحَمَ الرَّحِيمِينَ


1521. Аллоҳим! Бизларга яхшилик эшикларини, омонлик эшикларини, саломатлик эшикларини, неъмат эшикларини, баракот эшикларини, куч-қувват эшикларини, дўстлик эшикларини, раҳмат эшикларини, ризқ эшикларини, илм эшикларини, мағфират эшикларини ва жаннат эшикларини очгин, эй раҳм қилувчиларнинг раҳмлиси!



1522. Қалбингда кин ва ғазаб ёки кек ва адоват қолдирма, чунки улар фикр софлигига путур етказади. Сенга нисбатан ёмон муносабатда бўлган кишига ҳам кечиримли бўл. Келишмовчиликдан сўнг алоқани тезроқ тиклашга шошил. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севишини унутма!



1523. Янги кунни Аллоҳнинг ҳузурида икки ракъат бомдод намозини ўқиши билан бошлашдан гўзалроқ нарса йўқ. Унда сен Аллоҳга муножот ва дуо қиласан, нафсинг шод, қалбинг хотиржам бўлади.



1524. Инсон ўз мақсадидан чалғиса, орзу қилган кўплаб нарсаларини йўқотади....

Бундай одам ё барча нарсадан рози, ё барча нарсага нафрат билан қарайдиган бўлиб қолади.



1525. Набавий даво чораларидан.

Күйидаги дуони ўқиб, күлни оғриётган жойга қўйиш маҳбуб амалдир:

Усмон ибн Абул Ос ас-Сақафий розияллоҳу анҳу мусулмон бўлганидан буён танасида оғриқ борлигидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Танангдаги оғриётган жойга қўлингни қўй, уч марта «бисмиллаҳ»ни айтиб, етти марта «Аъзу биллаҳи ва қудротихи мин шарри маа ажиду ва ухаазиру»ни ўки».

Имом Муслим ривоят қилган.

(Дуонинг маъноси: «Аллоҳнинг Унинг қудрати ила ўзимда бор бўдган, ўзим ҳазар қиласиган нарсанинг ёмонлигидан У Зотдан паноҳ тилайман».)



1526. Аллоҳга яқинлашиш шундай бир роҳатки, у кишини дунёдаги барча нарсадан беҳожат қиласиди.




1527. Булут сувнинг оғирлигини кўтаришдан ожиз қолганда ёмғир ёға бошлайди. Қалб азобу мاشаққатни кўтаришдан ожиз қолганда кўз ёши тўкила бошлайди.




1528. Шодлигингни безовталик билан, ақлингни ёмон гумон билан, муваффакиятингни ғурур ва бошқаларнинг некбинлигини пучга чиқариш билан, бу кунингни эртанги кунга назар солиш билан барбод қилма. Ҳолингга назар сол, талаб қилмасанг ҳам, Аллоҳ сенга кўплаб неъматларни ато этган. Аллоҳ рағбат қилган ҳожатингни ман қилмади. Лекин

билиб қўйки, ман қилган нарсасида сен учун ўзинг билмаган яхшиликлар бор!



1529. Одамлар бор, тиригидар ўлиқдир, одамлар бор, мангаликка (*ер остида*) тириқдир.

Aҳмад Шавқий



1530. Ҳайбати олдида барча нарса сокин, ҳикмати билан барча нарса зохир, кибриёси олдида барча нарса арзимас Зот – Аллоҳ таолога ҳамд бўлсин!



1531. Ибтидоси (*аввали ???*) эмас, интихоси (*охури???*) яхши инсонлар эътиборга лойикдир!



1532. Аллоҳим! Бу кунимни Сенинг карамли важҳинг (яъни розилигинг) учун бағишладим. Уни менга осон, баракотли қил ва мендан қабул эт.

Аллоҳим! Менга Ўзинг рози бўлган нарсани кўрсат, Ўзинг рози бўлган нарсани эшиттир, Ўзинг рози бўлган нарсани сўзлат, мени тоатинг йўлидаги амалларда событқадам қил.

Аллоҳим! Менга раҳматинг эшикларини оч, ўзим ўйламаган томондан ризқ ато эт!



1533. Ҳар бир нарсанинг интиҳоси бор, факат жаннат неъматлари бениҳоядир.

Аллоҳим! Бизни жаннат ахлидан қил!



1534. Сочига оқ оралаган бир аёл дорихонага кириб, дори сотувчига: «Оқарган соchlарга бирор нарса борми?» деди. Сотувчи: «Ҳа, хоним, менда оқ соч толаларига чуқур эҳтиром бор», деб жавоб берди.



1535. Қанчадан-қанча кишилар сиз каби бўлишни орзу қилишини биласизми?

Қанчадан-қанча маҳбуслар бор, сиз эса эркинсиз.

Қанчадан-қанча оч-яланғочлар бор, сизнинг эса қорнингиз тўқ, устингиз бут.

Қанчадан-қанча bemorlar бор, сиз эса соғломсиз.

Қанчадан-қанча бошпанасизлар бор, сизнинг эса уйингиз бор.

Қанчадан-қанча қўркувдан юрак ҳовучлаганлар бор, сиз эса тинч, хотиржамсиз.


Қанчадан-қанча саводсизлар бор, сиз эса саводлисиз.

Аллоҳ сенга неъматларини бардавом қилиши учун Аллоҳга ҳамд айт!



1536. Аллоҳга яқин бўлиш шундай роҳатки, бу роҳат бизни ҳамма нарсадан беҳожат қиласи.

Аллоҳим! Бизларни Ўзингга яқин бўлиш ва мухаббатингга эришишга мушарраф қил!



1537. Шайх Мағомисий айтадилар: «Аллоҳ ҳаётинг қиссасини (такдирга) ёзиб қўйган. Бу қиссани сўзлаётганда одоб билан гапиргин. У содир бўлган пайтда ҳукм қилишда ҳам одобга амал қил. Ҳолингдан бандаларга эмас, факат Унинг Ўзигагина шикоят қил! Ҳар бир маҳзунлигинг Аллоҳ сени яхши кўргани учун синаётгани ёки сени яхши кўргани учун гуноҳларингдан поклаётганининг нишонаси эканига

ишен! Бир кун келиб ана шу маҳзунлик сени дўзахдан ҳимоя қилганида, сабринг сени жаннатга киритганида чексиз қувончга тўласан.



1538. Бир ҳаким зот айтган экан: «Ким ўз шаънини билса, тилини сақласа, бефойда нарсадан юз ўгирса, биродарининг обрусини тўкишдан ўзини тийса, доим омонликда яшайди ва афсус-надомати камаяди».



1539. Куръон китобимиз устидаги чанг-ғубор қанчалик қуюқлашса, қалбларимизда ғам-ташвиш ва муаммолар ҳам шунчалик қуюқлашаверади.



1540. Инсонларга интилган қалб инграб, ох тортади. Инсониятнинг Роббига интилган қалб эса хотиржам яшайди!



1541. Бир кишидан: «Одамлар сен ҳақингда айтаётган гапларга нима дейсан?» деб сўрашди. У шундай деди: «Мен ҳам, улар ҳам албатта вафот қиласиз. Мен ҳам ҳисоб-китоб қилинаман, улар ҳам ҳисоб-китоб бўлишади. Шунинг учун уларнинг гапига парво қилмайман!».



1542. Эй кўрмай туриб сажда қилинувчи, кўрмай туриб ёрдам сўралувчи Зот! Сен мени, мен эса Сени кўрадиган учрашувимизни гўзал қил!



1543. Эй ғамгин инсон, ғам-ташвиш абадий давом этмайди.

Саодат қандай йўқ бўлса, ғам-андух ҳам шундай йўқ бўлур.

Коронғу кеча ортидан ёруғ тонг етиб келажак.

Насибам оз дема, «Роббимнинг менга тақдир қилиб, тақсимлаб қўйгани шу», дегин.



1544. Бир йигит онасидан: «Ўзим учун муносиб аёлни топишнинг имкони борми?» деб сўради. Она шундай деди: «Болагинам! Сен муносиб аёл қидирма, балки муносиб эр бўлишга ҳаракат қил. Аллоҳ таоло: «**Нопок хотинлар нопок эркаклар учундир. Нопок эркаклар нопок хотинлар учундир. Покиза аёллар покиза эркаклар учундир. Покиза эркаклар покиза аёллар учундир**», деган» (*Nur surasi, 26-oym*).



1545. Жоҳил билан тортиша кўрма! Уни енгсанг ҳам, барибир зиён кўриб, ютқазган бўласан.

يرسل الله إلى من رضي الله عنه
 في أواخر أيامه ملكاً يقومه ويرشده
 وبهديه. فيموت على خبر حال.
 فيقول الناس = رحم الله فلاناً لقد
 مات على خير حال = فاللهم اجعلنا
 من أهل الرضا. واجعلنا من الذين
 رضيت عنهم ورضوا عنك. اللهم و
 اجعلنا من الذين يرضون بكل شيء
 قدرته لهم يا رب العالمين

1546. Аллоҳ кимдан рози бўлса, ҳаётининг охирги фурсаларида тўғри йўлга бошлаб, хидоят қилиш учун бир фариштани юборади. Шу боис у гўзал ҳолатда жон таслим қилади. Одамлар: «Фалончини Аллоҳ раҳматига олсин, яхши вафот топди», дейишади.

Аллоҳим! Бизларни рози бўлувчилардан қилгин!

Аллоҳим! Улардан рози бўл ва уларни ҳам Ўзингдан рози қил!

Эй оламларнинг Робби! Бизларни тақдир қилган барча нарсаларингдан рози бўлувчилардан қилгин!



1547. Аллоҳим! Сен борсан, кимга шикоят қилай?!

Аллоҳим! Даргоҳингдан ҳеч ким ҳайдаб, қайтариб юборилмас экан, яна қайси эшикка бош уриб йиғлай?!

Аллоҳим! Фақат Сенга ибодат қилинар экан, бошқа кимга сиғинай?!

Аллоҳим! Сендан умидим чексиз экан, бошқа кимдан умид қилай?!

Аллоҳим! Мендан афвингни дариф тутма!

Аллоҳим! Ўзинг билан менинг ўртамда бирор тўсик қилмагин!



1548. Сендаги тўрт нарсани: «Табассуминг ортидан маҳзунлигингни, амалинг ортидан чиройли ниятингни, йиғлаганингдаги қувватингни ва сукутинг замиридаги мантиқни кўра олган кўтара олган кишига қатъий ишонавер.



1549. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам шундай дедилар:

«Куръон қироат қиласынан мүмин утруждага (грейпфрутта) ўхшайди – ҳиди ҳам хушбүй, таъми ам шириң.

Куръон ўқимайдиган мүмин хурмога ўхшайди – ҳиди йўқ, лекин таъми шириң.

Куръон ўқийдиган гуноҳкор райхонга ўхшайди – ҳиди хушбүй, лекин таъми аччиқ.

Куръон ўқимайдиган гуноҳкор ҳанзалага (аччиқ ўтга) ўхшайди – ҳиди ҳам йўқ, таъми ҳам аччиқ».

Ўзингизни шу мезонга солиб кўринг. Кай бирига ўхшайсиз?



1550. Гунох қилиб, сўнг ортидан тавба қилганларга тасанно!

Аллоҳ уларнинг ёмонликларини яхшиликка ўзгартирган.



1551. Инсон Куръонда шошқалоқ, чидамсиз, сабрсиз, жоҳил, ўта золим, ўта жоҳил, баҳил, умидсиз дея сифатланган. Инсоннинг асли ва келиб чиқиши тилга олгулик нарса бўлмаган – лойдан, ҳақир сувдан яратилган. Инсонда хийла оз бўлиб, у заифлик хислатларига ўралгандир. Агар Аллоҳнинг марҳамати бўлмаса, у қўп тортишувчиdir, очик-ойдин хусуматчи, ўта золим ва ўта ношукрдир.

Ким ушбу ҳақиқатларни англаб етса, чинакам тавозеъга мушарраф бўлур, Аллоҳнинг тавфиқига эҳтиёжи кучли эканини ҳис қилур.

Аллоҳ таоло бу борада «Роббим! Менга нозил қиласиагинг ҳар бир яхшиликка муҳтожман», дейишни ўргатган (*Қасас сураси*, 24-оят).

Ҳадиси шарифда эса «Шаънимни ислоҳ қил, кўз очиб-юмгунча ҳам ўз ҳолимга ташлаб қўйма», дейиш буюрилган, «Итоаткор, тавозеълиларга жаннат хушхабарини бер», дейилган.

Аллоҳим! Роббим! Саховатинг ва караминг ила бизни ана шундайлардан қил!



1552. Қандай қилиб шодланай, ахир Сенга осийлик қилмоқдаман!

Қандай қилиб шодланмай, ахир Ўзингни танитдинг!

Қандай қилиб дуо қилай, ахир хатокорман!

Қандай қилиб дуо қилмай, ахир Сен Сахий Зотсан!



1553. Яшашни истайман, ўлишни истамайман.

- Яшайман, ўлишни истамайман.
- Ўлишни хоҳлайман.
- Ўляпман!



1554. Орифларнинг сўзларидан:

Мақом даражасига эришганлар Аллоҳга муштоқдирлар, У ҳам уларга муштоқдир.

Аллоҳга яқин бўлганлар У Зотни кўрадилар, У ҳам уларга назар солур.

Мұҳаббат мақомига эришганлар Аллоҳнинг каломини эшитишни севадилар, У ҳам уларнинг сўзларини эшитишни севади.

Хол соҳиблари Ундан сўрайдилар, У эса уларга Ўзи кифоя қилиб, уларнинг сўрашларини яхши кўур.

Мушоҳада соҳиблари Уни зиёрат қиласидилар, У ҳам уларнинг қалбларини зиёрат қилур.

Охират аҳллари охиратда Унга назар соладилар, У ҳам уларга бу дунёда назар солур.

Бу Аллоҳнинг фазли бўлиб, уни хоҳлаганига ато қиласиди.



1555. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Аллоҳ ҳаром қилган нарсадан парҳез қилган кишининг дуо ва тасбеҳи қабул бўлади», дедилар.